Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2005 YIL 5 AVGUST, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 95. (6.932). Sotuvda erkin narxda

# Август - пахта ҳосилини ҳал қилувчи ой



## "Уйилажак хирмон салмоғи бугунги меҳнатимизга боғлиқ"

**Қашқадарёлик пахтакорлар айни кунларда шундай азму қарор билан меҳнат қилишмоқда.**

***Бугун ҳар бир пахтакорнинг юраги жўш уриб, ғўзани суғориш, культивация, чилпиш ишларини алоҳида бир ишбилармонлик, алоҳида бир ғайрат-шижоат билан давом эттирмоқда.***

Бу кўтаринкилик, пахта далаларидаги бугунги сафарбарлик "Қишлоқ ҳаёти"нинг 2 август сонидаги "Август – пахта ҳосилини ҳал қилувчи ой" сарлавҳали мақола орқали пахтакорлар, қишлоқдаги ҳар бир киши қалбига сингиб борган таъсирчан фикрлар, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг мамлакатимиз барча фермерларига



мурожаатномасидаги даъваткор сўзлар ҳосиласи. Август ойининг ҳар сониясини ҳосил тўплашга хизмат қилдираётган бир сўзли Қашқадарё пахтакорлари ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб меҳнат қилишаяпти. Унинг ривожи, ҳосил тўплаш ҳолатига қараб, далаларга тунлари "шарбат" оқизишаётир, ҳосилга барака киритишаяпти. Ғўзалар сув, озиқа, қуёш тафти, деҳқон меҳридан баҳра олиб, шода-шода кўсак боғламоқда.

Юртимизнинг Жануб қуёшидан нур эмиб, ҳосилга-ҳосил қўшилаётган беадоқ далаларини айлансангиз, кўнглингиз равшан тортади. Бу замин одамлари табиатига хос ишчанлик, куюнчаклик, даласига муҳаббат туйғулари кейинги пайтда яна ҳам ёрқин намоён бўла бошлади. Ўтган йили мамлакат пахтакорларига карвонбошилик қилган Қашқа воҳаси деҳқонларининг август ойида – экинни ясатадиган палладаги ғайрат-шижоатига қиёс йўқ.

Қарши тумани "Истиқбол" ширкат хўжалиги раиси Шомурод Сатторовнинг тадбиркорлиги, топқирлиги, ташаббускорлиги бугун жуда қўл келмоқда.

–Августнинг долзарблиги, унинг ҳар куни қадрли эканлиги ҳақида матбуотда тўғри гаплар айтилибди, - дейди у. – Деҳқонларга ўқиб бердик. Асл деҳқон бу паллада ҳеч қачон бепарво бўлолмайди. Далаларимизни кўринг. Аллақачон чеканкадан чиққан. Культивацияни доим иссиқ пайти ўтказишни айтаман. Негаки, эрталаб ва тунда ғўза шохлари мўрт бўлади. Сал қалтис ҳаракат туфайли чирт этиб синиши тайин. Пахтакорларимиз буни ҳамиша ёдда тутишади. Бир сувдан кейин ғўза орасига икки бор ишлов берамиз. Бир марта бу тарафдан, иккинчи марта қарама-қарши тарафдан. Буниям ўзига хос хислати, фойдали томонлари бор.

– Асад ойига қадар биз чўғи 30 центнерлик ҳосил тўпладик, – дея сўз бошлади пудратчи Исмоил Ҳамдамов. – Ният 50 центнерлик маррани эгаллаш. Демак, қолган 20 центнер ҳосилни асад ойида тўплашга тўғри келади. Андаккина эътиборсизлик ёхуд бепарволикка йўл қўйилса, шунча ҳосил бой берилади-ку?! Жами 22 гектар майдонда қанча пахта йўқотилади, биласизми? Асаднинг қадр-қиммати, кучи шунда-да. Бу йил биринчи марта янги "Бухоро-8" навли ғўза ўстираяпмиз. Унинг хусусиятларини пухта ўзлаштириб олдик. Асад ойидаги саъй-ҳаракатлар натижаси салмоқли бўлади, бунга асло шубҳа қилмайман.

–Культивация ғўзанинг жони, - дейди механизатор Байрамали Аллаёров. – Асад ойида, айниқса, экин ишловга муҳтож бўлади. Ғўзанинг томирларига шикаст етказмаслик учун ишлов юза бўлиши шарт. Культиватор органлари камайтирилиши, иш кенглиги қисқартирилиши яхши самара беради. Ғўзага шикаст етказилмаслиги учун культиватор органлари балиқсирт қилиб ўралади. Кейин яна бир нарса. Август ойида ғўза шамоллатиб турилмаса, пастки бўғинда намлик ортиб, кўсаклар айнаб кетиши мумкин.

–Сувни фақат "шарбат" усулида оқизаяпмиз, - дейди оилавий пудратчи Холмўмин Раҳимов. – Чунки гўнгда фосфор ҳам, азот ҳам, макро ва микро элементлар ҳам етарли. Ҳосилга-ҳосил қўшиш ойида бу усул афзаллиги беқиёс.

"Истиқбол" ширкат хўжалигининг 800 гектар пахтазорида жавлон ураётган 98 та оилавий пудратчи дилида бир ният. Пахтакор куч-ғайрати эл-юрт бойлиги – пахта ҳосилини кўпайтиришга ҳисса қўшиб, мамлакат кучқудратини юксалтиришга қаратилган. Шу боис бу йил хўжалик шартномада белгиланган 2300 тонна ўрнига 4000 тонна пахта тайёрлашни мўлжаллаб турибди.

Қашқадарё вилоятининг ҳар бир қишлоғида, хоҳ ширкат, хоҳ фермер хўжалиги бўлсин, ҳар бир пахтакор қалбида шу эзгу орзу. Уни рўёбга чиқариш учун ҳамма пахтазорга чиққан бугун. Улар ғўза қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, ҳар туп ғўзани, кўсакни сақлаб қолиш учун курашмоқдалар. Августнинг ғанимат кунлари уларни шунга даъват этмоқда.

**Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Парваришни сусайтирмаган деҳқон ютади

***Миришкор деҳқон асад ойининг ҳар дақиқасини қадрлайди. Негаки, шу кунларнинг хосияти билан жой-жойига қўйиб сарфланган меҳнат ҳосилга барака киритади. Ёруғ кунлар ҳарорати деҳқон меҳнатига омухта бўлиб, ғўза тупларига қувват беради, шона гуллаб, яна бир кўсак пайдо бўлишига хизмат қилади.***

Биз Олтинкўл туманидаги "Намуна" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Сиёсатхон Абдуллаева билан пахта даласида учрашдик. Умрининг қарийб қирқ йилини пахтачиликка бағишлаган бу инсон фарзандларини катта қилиб, набираларини тарбияламоқда Улар тажрибали пахтакорга: "Энди дам олинг", деб кўп гапиришади. Лекин қирқ йиллик қадрдон даласидан унинг асло оёқ узгиси йўқ. Об-ҳаво ёки бирон сабаб билан режа бажарилмай қолди, деган гап эса Сиёсатхон опа ва у киши билан бирга меҳнат қилаётганлар учун тамомила ёт.

– Август ойида ғўза парваришида уюшқоқликни кучайтириш, ҳосил салмоғини ошириш масалалари "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг ўтган кунги сонида атрофлича ёритилибди, унда таъкидланганидек, энди деҳқон ғўзасини ишлатадиган вақт келди, – дейди суҳбатдошимиз. – Бугун кўсак санаган деҳқон армонда қолади. Марра кўсакка-кўсак қўшиш ҳаракатида бўлганники. Терим мавсуми сўнггида уйилажак хирмонларнинг салмоғи шу бугунги меҳнатларнинг ўринли-ўринсизлигига боғлиқ-да.

Биз 40 гектар майдонда пахта етиштираяпмиз. Ғўзанинг "Оққўрғон-2" навини экканмиз. Энг сўнгги ўғитни эса 5 июлга қадар бериб бўлганмиз. Механизаторларимиз сувчилар билан баҳамжиҳат меҳнат қилишади. Уларнинг ишида узилиш бўлса, парвариш меъёри бузилади. Бунга эса бизда ҳеч ким йўл қўймайди. Аввал ҳам шу навдан гектар ҳисобига 47 центнердан ҳосил олган эдик.

Бу йил деҳқонга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Айниқса, ёнилғи билан ўғит таъминоти барқарорлашди. Иш ҳақини натура билан бирга нақд пулда тўлаш йўлга қўйилди. Ҳосилдорликдаги аввалги натижаларни янада яхшилаш учун биз ҳар туп ғўзада яна 6-7 тадан кўсак яратишимиз лозим бўлади. Бу фақат менинг гапим ёки истагим эмас. Ижарачиларимизнинг нияти ҳам шу. Интилиш бор жойда ният, албатта, ижобат бўлишини ҳаммамиз яхши англаймиз. Ғўза парваришидаги зарбдор 30 кунлик муддат деҳқон учун ана шундай фидойиликни талаб қилади.

Бўзлик Нўъмонжон Усмонов 35 йил бригадир, бош пудратчи бўлиб ишлади. Ўтган йили фермерликнинг бошини тутди. Ҳозир 46 гектардан ошиқроқ ернинг эгаси. Илк натижалар ёмон эмас. Фермер ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шартнома режасини ошириб уддалади. Бирга ишлаётганларга 7 тонна буғдой тарқатди. Омборгаям анча-мунча дон тўкилди. Шу уста деҳқон билан суҳбатимиз ҳам ғўза парваришига бориб тақалди.

– Август ойида ғўза парваришини тўхтовсиз олиб боришга республика миқёсидаги масала сифатида қаралаётгани бизни ҳам қувонтирди, - дейди фермер. – Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг биз – фермерларга мурожаатномаси ҳаммамизни огоҳ торттирди. Яширишнинг ҳожати йўқ, айрим деҳқонлар август ойи кириб-кирмай "ғўзамиз чўкди, ҳосилга ётди", деб хотиржамликка берилишарди.

(Давоми 3-бетда)

# Вазиятга холис баҳо

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги нотасига шарҳ

***Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида жойлашган Хонобод базасидан Америка ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетиш борасида йўлланган нота Ғарб мамлакатлари оммавий ахборот воситалари учун умуман Америка-Ўзбекистон муносабатларининг аҳволини, жумладан, Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур қарорини шов-шув билан муҳокама қилиш учун навбатдаги баҳона бўлди. Улар ўз материалларида турли-туман тахминларни илгари суриб, бу қарор учун асос бўлган сабабларни изоҳлашга уринмоқда.***

Бугунги кунда хориж матбуотида эълон қилинаётган мақолалар ва қатор таҳлилчилар ҳамда сиёсий шарҳловчиларнинг баёнотлари мазмуни шуни кўрсатмоқдаки, уларда асосан Хонободдан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг талаби гўё Андижондаги воқеалар туфайли АҚШ томонининг Ўзбекистон раҳбариятига ўтказган сиёсий тазйиқи билан боғлиқ, деган тахмин илгари сурилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатимиз ҳудудидан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарори тарихига оид маълумотларга асосланган ҳолда, вазиятга холис қаралса, буларнинг барчаси воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатишга, ҳамма нарсани остин-устун қилишга уриниш эканлиги аён бўлади. Чунончи, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий ҳужжатларида бу ҳақда илгари ҳам бир неча бор баён этилган.

Жумладан, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари парвозларини чеклашга доир қарорлар Андижондаги фожиали воқеалардан анча илгари, 2004 йил ўрталаридан бошлаб қабул қилинган. Шундай экан, Андижондаги фожиали воқеалар ва Хонободдан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш талабини бир-бири билан боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Хонобод аэродромини АҚШ Қуролли кучларига Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар олиб бориш даврида қидирув-қутқарув ва гуманитар операцияларни амалга ошириш учун фойдаланишга бериш тўғрисидаги 2001 йил 7 октябрда имзоланган битим амалда ўз вазифасини ўтаб бўлганлигини тушуниш учун катта таҳлилчи бўлиш шарт эмас.

Мазкур битимнинг 18-моддасига кўра, у 1 йил муддатга тузилган эди. Аммо томонлардан бири (Ўзбекистон ёки АҚШ) дипломатик каналлар орқали 180 кун олдин ёзма равишда ушбу ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш хусусида хабардор қилмагани учун битим ўз кучида қолаётган эди.

Маълумки, АҚШ расмий шахсларининг баёнотларига кўра, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг фаол босқичи 2002 йилдаёқ тугаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасининг нотасини эътибор билан ўқилса, шуни англаш мумкинки, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаменти ва Пентагон раҳбариятига Хонобод аэродромининг мақоми билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни сўраб бир неча бор мурожаат қилгани таъкидланган. Бунда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг ушбу базадан фойдаланиши Афғонистондаги ҳарбий кампаниянинг якунланиши билан узвий боғлиқ эканлиги кўзда тутилган.

Аслида Ўзбекистон номи зикр этилган идоралар раҳбарларига олти мартадан кўп мурожаат қилган. Бу мурожаатлар 2002 йил охиридаёқ, яъни Андижондаги воқеалардан анча олдин бошланган. Бироқ, тан олиш керакки, Америка томони турли баҳоналарни рўкач қилиб, мазкур масалани ҳал этишни амалда пайсалга солиб келган.

Шу боис, Ўзбекистон ҳукуматининг Хонобод аэродромидан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорининг сиёсий сабаблари ҳақидаги тахминни жамоатчилик онгига сингдиришга бўлаётган уринишларни Ўзбекистон-Америка муносабатларидаги вазиятни мураккаблаштиришга интилишни давом эттириш, бу қарорни Андижон воқеаларига сунъий равишда боғлашдан бошқа нарса эмас, деб баҳолаш лозим.

Қайд этиш жоизки, Ташқи ишлар вазирлиги нотасида Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон халқаро аксилтеррор коалициядаги фаол иштирокини, шунингдек, халқаро террорчилик, радикал экстремизм, наркотрафик ҳамда тинчлик ва хавфсизликка бўлган бошқа таҳдидларга қарши курашда бундан буён ҳам АҚШ билан ҳамкорликни давом эттириши таъкидланган.

**ШАРҲЛОВЧИ**

(«Правда Востока» газетасининг 2005 йил, 3 август сонидан).

# Ғараз бор жойда...

ШАРҲ

***Дўкондан газета олиб, биринчи саҳифага кўз югуртиришим биланоқ Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотига кўзим тушди. Охиригача ўқиб улгурмасимдан миямга урилган фикр шу бўлдики, ҳа ғаразгўйлар, бир гуруҳ юртдошимизни жудоликка маҳкум қилишибди-да, аттанг. Бу ҳиссиётдан эсанкираб, ўйга толдим. Хаёлимга бир кун аввал чет эл сафаридан қайтган танишимнинг сўзлари келди.***

–Ака, чет элда уч кун ҳам туролмадим, кўз олдимга фақат қишлоғим, болаларим келаверди.

–Тўғри айтасиз, - дедим мен, - ахир биз ўзбекмиз, тўғри келган жойда яшаб кетавермаймиз, юрт соғинчи юрак-бағримизни эзиб юборади.

–Мунофиқликни қаранг, бир гуруҳ юртдошларимизни алдов билан олиб чиқиб кетиб, гўё инсонпарварлик қилишганмиш, агар меҳринг бўлса ана ироқликларга раҳм-шафқат қил, уларнинг ватани вайрон, уйи хонавайрон бўлиб ётибди Ёки Африкадаги баъзи давлатларда қочоқлар ўзгалар кўмагига муҳтож. Ана ўшалар ёрдамга зор.

Дарҳақиқат, фақат Ироқ ёки Афғонистонда эмас, балки Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатларда тинч аҳоли зўрлик ва зўравонлик қурбони бўлмоқда. Африкада ҳар йили айрим қабилалар ўртасидаги миллий-этник жанжаллар оқибатида юз минглаб тинч аҳоли қурбон бўлмоқда. Бундай аҳвол ўзини инсонпарвар қилиб кўрсатаётган айримларни мутлақо қизиқтирмайди, БМТ эса ташвиш билдириш билан чекланиб қўяқолади. Нима, инсон ҳуқуқларининг бузилиши Африкадаги давлатларга дахлдор эмасми?

Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлур, деган гап бор. Ироқ масаласида Хавфсизлик кенгашининг қарорини оёқости қилган АҚШ уялмай-нетмай Ўзбекистондаги қочқинлар билан боғлиқ масалани БМТ Хавфсизлик кенгашининг муҳокамасига киритмоқчи бўлди. Бироқ бу таклиф ўтмади.

Энди тўрт юз нафардан ортиқ қочқинлар ва улар атрофида бўлаётган шов-шувларга келсак, бу олдиндан режалаштирилган сиёсий ўйин бўлиб, унинг сценарийси АҚШда тайёрланган. Ўзбекистон Қирғизистон ҳукуматидан Андижондаги террористик хуружда бевосита иштирок этган ўн беш-йигирма кишинигина қайтариб беришни талаб қилган. Қолганларни, яъни тўрт юз нафар атрофидаги Ўзбекистон фуқароларини эса тўс-тўполон пайтида ваҳима, қўрқув, иғво, ғавғо, тушунмовчилик орқасида қўшни Қирғизистонга ўтиб кетганлар ташкил этади. Уларни ҳеч ким таъқиб қилгани йўқ. Бироқ сиёсий ўйинчилар уларга ҳозирдан сиёсий қочқин ёрлиғини ёпиштириб қўйишди ва Қирғизистондан мажбурий равишда олиб чиқиб кетишди. Ана энди ғаразгўйлар қочқинлар карта ўйинини бошлашади.

Шубҳасиз, вақт ўтиб ўйинчиларнинг найранги фош бўлади. Бироқ унгача уларни мажбурий равишда сайратиб, олинган маълумотлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади. Фойдаланиб бўлишгандан кейин ўзларини кераксиз буюмдек "отиб" юборишади. Ана шунда жудоликка маҳкум қилинганлар юрт соғинчидан азоб чекишади. Шундай экан, қандай қилиб хорижга олиб чиқиб кетилган юртдошларимизнинг эртанги тақдири ҳақида ачинмайлик?

(Давоми 2-бетда)

# Ҳақиқий кушанда ким?

БУГУННИНГ ГАПИ

***Ҳозир пахтакор деҳқонлар учун ниҳоятда масъулиятли ва долзарб кунлар. Йил бўйи қилинган машаққатли меҳнатнинг самараси кўп жиҳатдан август ойидаги ишларга боғлиқ. Шу кунларда ғўзага бериладиган ишлов етиштириладиган ҳосилнинг ҳам сифатига, ҳам салмоғига таъсир кўрсатади.***

Шу боис бугун деҳқон бор бўлган ҳосилни ҳам бой бериб қўймаслиги учун ўз ишига ниҳоятда масъул, ўта хушёр бўлиши даркор.

Экинга ўз вақтида ва меъёрида ишлов бериш, суғориш, ўғитлар билан озиқлантириш ва бошқа агротехник тадбирларни ўтказиш август ойида ҳам давом этади. Албатта бу тадбирлар ҳосил миқдорининг кўпайишига омил бўлади.

Лекин деҳқон учун яна бир юмуш борки, уни ўз вақтида амалга оширмаса, сергак бўлмаса ҳосилга катта талафот етиши мумкин. Бу юмуш далаларда ғўза зараркунандаларининг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетишининг олдини олишдир.

Маълумки, ғўза зараркунандаларидан шира, трипс, ўргимчаккана ва кўсак қуртига қарши кураш тадбирлари ўтказилмаса, пахта ҳосили жиддий зиён кўради. Биргина кўсак қурти ўз ҳаёти давомида 7-8 тагача шона, гул ва кўсакларни зарарлайди. Ўргимчаккана июн-июл ойларида ғўзани касалликка чалинтирса 15-20 фоиз, август ойида бўлса 2-6 фоизгача ҳосилни камайтириши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари ва касалликларининг тарқалишининг олдини олиш борасида республикамизда бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлсада, лекин айрим жойларда кўрилаётган чоралар ўзининг тўлиқ самарасини бераётгани йўқ.

(Давоми 2-бетда)

ИНТИЛИШ

***Ромитан туманидаги Муғонча қишлоғида бўлган киши ҳар тонгда ўнлаб қиз-жувонларнинг бир пайтлар мактаб вазифасини ўтаган бино томон ошиқишганини кўриши мумкин.***

Бу ерда Ўзбекистон–Россия ҳамкорлигидаги "РомСиб" қўшма корхонаси жойлашган.

# Иш кўзини билганлар

Тадбиркор Қўша Каттаевнинг саъй-ҳаракати билан юзага келган бу корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унда тўқсон-юз нафар атрофида хотин-қиз меҳнат қилади.

Пилла йигирув, тикув ва тўқув цехларида ишлаётган қишлоқ аёллари чеҳрасига боқиб, яқин-яқинга қадар улар далада оғир меҳнат билан шуғулланишганига ишонгинг келмайди.

(Давоми 2-бетда)

# Ерга яқин одамлар




**Тўра СУЛАЙМОН, Ўзбекистон халқ шоири.**

*(Давоми. Боши «Қишлоқ ҳаёти» газетаси иловаси «Ҳаёт»нинг 3,4,5,6 ва «Қишлоқ ҳаёти»нинг 93-сонларида.)*

***Али ака бу латифани бекорга айтмаган эканлар. Бу билан, агар отам уйда бўлганларида, у киши турган ерда менга йўл бўлсин, демоқчи бўлган эканлар.***

Ёшлари саксондан ошгани билан ҳозирги қишлоқ хўжалигининг аҳволи, қилинаётган ислоҳотларнинг у қадар ўзини оқламаётганини, нима учун барча фермерлар ишининг бир текисда илгари кетмаётгани ҳақида отам гапирсин, сиз эшитинг, демоқчи бўлган эканлар.

Али аканинг ўз падари бузрукворлари ҳақидаги бу гаплари менинг олдимга яна бир муҳим ишни – Ўрол ота билан ётиб олиб, суҳбат қилишни қўйган эди. Ҳозирги кунда саксон ёшга кирган қариялар эса жонли тарих, деган сўз. Қарийб бир асрнинг кўзгуси деган сўз. Насиб қилса, бир вақт топиб, ота билан ҳамсуҳбат бўлишни ният қилиб қўйдим.

"От овнар" тариқасида келган чойни қайтара туриб, Али ака деворда осиғлиқ турган соатга бир қараб қўйди. Бу, энди кўпайсак ҳам бўлади, дегани эди. Аслида бу "ташаббус" мендан чиқиши керак эди. Чиққан тақдирда ҳам азалий одатимиз бўйича мезбон ҳадегандан меҳмонга рухсат бериб қўя қолмайди. Меҳмонга нисбатан одобсизлик ҳисобланади. Ҳа, ҳали ўтирибмизда, бир келиб қолибсиз, иложи бўлса ётиб кетинг, деган гапларнинг айтилиши ҳам шундан.

(Давоми 4-бетда)

ТУЙҒУ

***Лекциядан сўнг ётоқхонага қайтган Санамгулни кимдир сўраб келганини айтишди.***

У ўрнидан ирғиб туриб ойнадан қараган эди, пастда турган акаси Баҳодирга кўзи тушди:

–Акажон, наҳотки!?

Санам тўртинчи қаватдан учиб тушди, шекилли, бир сония ўтмасдан акасининг ёнида пайдо бўлди.

Улар бир-бири билан қарийб бир йилдан бери

# Она дийдори

кўришмаган бўлса-да, шунчаки қўл учида кўришиб қўя қолди.

–Биласанми, мен кимни олиб келдим, - дея қўлини ҳовлидаги қатор ўриндиқлар томон ишора қилди акаси. – Ана, қарагин, биз туғилган кунига олиб борган яшил кўйлакда ўтирибди.

–Вой, онамми?

Санам чопиб бориб ойисининг бағрига отилди.

(Давоми 4-бетда)

# Тақдир табассуми

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

***Устозлар, баркамол инсонлар ҳақида ёзиш ғоят мароқли ва айни пайтда масъулиятли. Уларнинг ибратли умр йўли тўғрисида қалам тебратишнинг хуш ёқадиган томонлари жуда кўп: барча фазилатлари, эзгу ишлари кўз олдингда тўла намоён бўлади, айрим тафсилотларни эслашнинг ўзи кифоя қилади.***

Ўзларининг етмиш ёшини нишонлаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Мирҳодиев ҳақида ёзишга чоғланганимда дилимдан юқоридаги ўй-фикрлар ўтди. Шу боис фақат бир жиҳат – бу ижодкорга тақдир табассум қилган лаҳзаларга тўхталишга жазм этдик.

Хайрли ва бутун умрга татийдиган учрашувлардан бири ўтган аср эллигинчи йиллари охирларида бўлганди. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультети юқори босқичида таҳсил олаётган Т.Мирҳодиевни бир гуруҳ курсдошлари қатори "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририятига назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун йўллашганди. Талабанинг хоҳиши ва журналистиканинг бирон-бир йўналишига мойиллиги ҳисобга олиниб, ўша пайтда Исмоил Сулаймонов мудирлик қилаётган саноат ва транспорт бўлимида амалиётни ўташи мақсадга мувофиқ деб топилди. Мирҳодиевнинг изланувчанлиги, ҳар бир топшириққа масъулият билан ёндашиши устозни хурсанд қилди. Талаба турли мавзуларда мақолалар ёзиб, қалами чархланиб бораётганлигини намоён этди. "Практика" тугаганидан сўнг ҳам Мирҳодиев "Тошкент ҳақиқати", хусусан, ўзи учун қадрдон бўлиб қолган бўлим, Исмоил ака билан ижодий ҳамкорликни давом эттирди. Шу тариқа орадан бир йил ўтмаёқ Т.Мирҳодиев университетни тугаллайдиган палла яқинлашди.

(Давоми 4-бетда)

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | МУКА выс.сорт |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 398,4 ▲ + 4,8 | 460,8 ▼ - 3,8 | 280,8 ▲ + 1,3 | 117,1 ▲ + 14,9 | 240,6 ▼ - 117,1 | 818,2 ▲ + 4,1 | 588,0 ▼ - 0,001 | 280,0 ▼ - 0,1 |




## Сутга "аралашмайди"

***Эрта тонгда "молоко!" дея қичқириб, Саттепани бошига кўтарган бақироқларнинг ҳар биридан сут сотиб олиб, ичиб эмас, татиб кўрдим. Аммо...***



Сутга сув аралаштирилгани, аралаштирилганда ҳам сувдан кўпроқ солингани, сутдан сутнинг таъмини туймаганлигим, сутсотарларнинг ўта инсофсизлиги энсамни қотирди. Сутни қишлоққа борганда ичадиган бўлдим.

Саттепада эса ҳар куни эрта тонгда сут сотувчиларнинг харидор чорлаб, бақиришлари тинмасди. Шундай кунларнинг бирида кўп қаватли уй ёнида флягада сут сотувчи ёш йигит пайдо бўлди. Унинг бошқа сотувчилардан фарқи харидор чорлаб бақирмади. Жимгина турди. Дастлабки кунлар янги сут сотувчи йигитнинг олдига "Бу сутни ҳам синаб кўрайликчи" деган ниятда икки-учта харидор қадам ранжида қилганига ишга кета туриб кўзим тушди. Учинчи-тўртинчи кунлари бу сут сотувчининг олдида харидорлар гавжумлашганини кўриб ўзим ҳам харидорлар сафидан жой олдим.

Ажабо, ҳақиқий сут. Умуман сув қўшилмаган. Пишириш учун қайнатганимда юзида қалин қаймоқ пайдо бўлди. Мазасини айтмайсизми? Бай, бай, роҳатижон!

Хуллас, янги сут сотувчи йигит 40 литрлик флягадаги сутни ҳар куни бир пасда сотиб қўядиган бўлди. Унинг мижозлари кўпайди. Уч, беш, ўн литрлик бидонларда сув аралаштирилган сутни сотувчиларнинг эса бозори касод бўлди.

Бир куни ўша йигитни юзлари тимдаланган, кўйлаклари йиртилган афтодаҳол суратда кўриб, ажабландим. Суриштириб билсам, сут бозори касод бўлган аёллар бир бўлишиб уни дўппослашибди.

– Ука, аёлларга аёл тенг келади, сут сотишга аёл киши келгани маъқул, – дея маслаҳат берган бўлдим.

Дарҳақиқат, унга маслаҳатим маъқул тушди, шекилли, сут сотишга бир ҳафтагача аёли билан биргаликда келишди. Ҳозир яна бир ўзи сут сотаяпти. Мижозлар ҳам, ўзи ҳам хурсанд. Лекин ҳар тонг Саттепада сув аралашган сутни сотиш илинжида бўлганларнинг "Ма-а-ла-а-ко-о!" дея қичқиришлари тинган эмас.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**

## Ҳушидан кетган "донор"

***Миралининг тоби қочиб шифохонада оғир ётган эмиш. Мирали учун зудлик билан қон топшириш зарурмиш. Бу гапни эшитган Қодир қора ҳовлиқиб қолди.***



Ҳамқишлоқларига ўзини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Бирор марта қон топшириб кўрмаган Қодир қорани оқ халатли шифокорларнинг салобати босди. Юрагига ҳадик оралади. Қўлини орти парда билан тўсилган туйнукка узатаркан, "Ғўзани суғориб тинчгина юрсам бўлмасмиди" деб ўйлади. Ўзича қаҳрамонлик кўрсатмоқчи бўлганидан пушаймон еди. Бир маҳал бармоғи "жиз" этди. Қодир қора "Вой-й" деди-ю ҳушидан кетди. Кўзини очса, тепасида ҳамшира турибди. "Қойил, юракдан ҳам бор экан, йигит", - деди ҳамшира. –Қон гуруҳингизни аниқлай десак, ҳушдан кетиб юрибсизу, қон топширишга йўл бўлсин".

Қодир қора қизариб-бўзариб коридорга чиқди. Бир маҳал кимдир унинг билагидан ушлади. Қараса, пўрим кийинган бир киши "Ука, донормисиз?" деб сўраяпти. Қодир шуниси етмай турувди дегандек, "Ака, кетмончида доллар нима қилсин?" деди. Бу гапни эшитиб турганлар мириқиб кулишди. У шу пайтгача "донор" сўзини эшитмаган бўлса нима қилсин. Шериклари "Бизни кулгига қолдирдинг" деганча уни қишлоққа жўнатишди.

## "Бир қараш ҳам... "санъат"

***Қодирнинг тоғаси маърака қиладиган бўлди. Меҳмонлар бемалол дам олишсин дейишди чоғи, стол-стул демай супада жой ҳозирланди, янги кўрпачалар солинди.***



Қодир хизматда турарди. Қўли кўксида, чой ташийди. Тоғасининг ишораси билан Қодир ошхонага ошиқди. Бу ерда тоғасининг бири-биридан сулув икки қизи бор. Улар ҳам хизматда. Уларга кўзи тушганда Қодирнинг кўнгли алланечук бўлиб кетади. Опа-сингил буни сезишади чоғи, бир-бирларига жилмайиб, маъноли қараб қўйишади. Мана, Қодир бирининг қўлидан палов сузилган идишни олди. Шу лаҳзада қиз шундай бир сирли табассум қилдики, асти қўяверасиз. Икки қўлида идиш тутган йигит ўзини буткул йўқотиб қўйди. Давра томон йўл олди-ю, нима рўй берганини англолмаганича дастурхон устига чалқанчасига қулаб тушди. Даврадагилар ҳайрон. Тоға таажжубда. "Қодиржон, сенга нима бўлди?" дея йигитнинг ўрнидан туришига кўмаклашди. Қодир ўзига тикилиб турган давра аҳлига қараб қўйди-да, "Э, тоға, бу ҳам бир санъат" деди. Гап нимадалигини пайқаган давра аҳли ўзини кулгудан тўхтата олмади.

**И.ИБРОҲИМОВ**

## Оғзи куйган "меҳрибон"лар

***Буғдой уни камчил йиллар экан. Шу боис одамлар жўхори унидан тайёрланган буломиқ деган таомни кўпроқ истеъмол қилишарди.***



Ҳатто меҳмон олдига ҳам ўша таомдан қўйишарди. Буломиқ усти совигандай бўлса ҳам анча-мунча вақтгача иссиқлигини ўзида сақлаб турарди.

Кунлардан бир куни меҳмондорчиликка борган кишининг олдига буломиқ чиқарилибди. Анча очқаб турган меҳмон овқат келиши билан бир қошиқ буломиқни оғзига солибди. У оғзи куйиб бораётганидан хижолат тортиб, тепага қараб безовта бўла бошлабди.

Уй эгаси таажжубланиб ундан сўрабди:

–Меҳмон нега безовта бўлаяпсиз?

Меҳмон сир-бой бермай:

–Уйда бир касал бор эди. Шу эсимга тушиб овқат томоғимдан ўтмаётир, – дебди.

Уй эгаси ҳам оғзига бир қошиқ овқат солиши билан тили куйиб, у ёқ-бу ёққа қарайверибди.

Меҳмон ундан сўрабди:

–Хўш, сизга нима бўлди?

–Шу касалингиз оғирлашган бўлмасаёв, юрагим така-пука бўлиб боряпти, дебди мезбон.

**Берди ДЎСЧОНОВ**

# Ҳақиқий кушанда ким?

(Боши 1-бетда)

Жойларда ғўза ниҳолларини биологик усулда ҳимоялашнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, мавжуд биолабораторияларнинг тўлиқ қувватда ишлатилмаганлиги, зараркунандаларга қарши курашда олдиндан башорат ва бошқа агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилмаганлиги оқибатида катта миқдордаги экин майдонларига турли зараркунандалар тарқалган.

Маълумотларга кўра жорий йилнинг биринчи август кунига қадар республика бўйича 48,7 минг гектар ғўза майдонларига ўргимчаккана, 28,2 минг гектарга кўсак қурти тухум қўйган.

Айниқса, ўргимчаккана ҳосил тақдирига жиддий хавф солмоқда.

Бу зараркунанда Наманган вилоятида 17,9 гектарда, Андижонда 5,1 минг, Фарғонада 6,9 минг, Самарқандда 5,6 минг, Сурхондарёда 3,0 минг, Қашқадарёда 4,5 минг, Тошкент вилоятида 4,0 минг гектар ерга тарқалган. Шунингдек, ўчоқ ҳолатда Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ҳам тарқалмоқда. Айниқса, Мингбулоқ, Поп, Риштон, Ёзёвон, Балиқчи, Асака, Музработ, Жарқўрғон, Яккабоғ, Чироқчи, Пастдарғом, Оқдарё, Бекобод ва Янгийўл туманларида кенг тарқалиб, ғўзага жиддий зиён етказиш ҳоллари кузатилмоқда.

Бу зараркунанда ҳашаротларга қарши профилактик ва такрорий ишловлар билан жами 3718 минг гектарда кураш ишлари олиб борилди.

Июл ойининг кейинги ўн кунлиги иссиқ бўлганлиги ва ўргимчаккана ҳар 8-10 кунда битта авлод бериб ривожланиши эътиборга олинадиган бўлса, ушбу зараркунанданинг ғўзага хавфи август ойининг биринчи ярмида катта бўлади.

Август ойига келиб кўсак қуртининг учинчи авлоди капалаклари учиб, оммавий тухум қўймоқда. Шу кунларда ғўза майдонларида кўсак қуртининг тухумлари ва қуртлари мавжудлиги кузатилмоқда.

Зараркунандаларга қарши курашишда бефарқлик, ғўза парваришига эътиборсизлик катта зарар келтириши мумкин. Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ғўза парваришидаги сусткашлик, уларни зараркунандалардан сақлашга қаратилган тадбирлар қониқарсизлиги қайд этилди.

Ўтган ойларда айрим вилоятларда шира, трипсга қарши кураш тадбирларига эътиборсизлик билан қаралганлиги натижасида Нукус, Элликқалъа, Беруний, Улуғнор, Пахтаобод, Мирзачўл, Дўстлик, Учкўприк ва Бувайда туманларида ғўзага зиён етказилиши ҳолатлари кузатилди.

Жумладан, Тошкент вилоятидаги аксарият туманларда зарарли ҳашаротларга қарши кураш ишлари лозим даражада ташкил этилмаган. Хўжаликларга қишлоқ хўжалик экинларини бегона ўтлар, зарарли ҳашаротлар ва касалликлар билан зарарланиши башорат қилинган бўлса-да, уларга қарши биологик ва кимёвий ишлов бериш бўйича баъзи хўжаликлар билан шартномалар тузилмаган. Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги фермер хўжаликлари билан эса тўлиқ шартномалар тузилмаган. Бунинг оқибатида вилоят бўйича июн ойида 13,3 минг гектар ғўза майдонларига шира, трипс тарқалган бўлса, бугунги кунда тўрт минг гектар ғўза майдонлари ўргимчаккана билан зарарланган.

Жиззах вилоятида ҳам 33,2 минг гектар ғўза майдонлари шира, трипс каби ҳашаротлар тарқалган. Бунда зараркунанда ҳашаротларга қарши масъул бўлган кишиларнинг ҳам айби бор. Масалан, Зафаробод туманидаги "Биосервис" масъулияти чекланган жамият омбор мудири Ф.Турдиев жамиятга биомаҳсулотлар тайёрлаш учун олиб келинган 476073 сўмлик 800 кг олма қоқи, 366581 сўмлик арпа ва 64000 сўмлик шакар маҳсулотларини талон-торож қилган.

Сирдарё вилояти Гулистон туманида ғўза зараркунандаларига қарши кураш тадбирлари талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги натижасида ғўза майдонлари турли зараркунанда ҳашаротлар билан зарарланган бўлса-да, туманда 95 та фермер хўжаликлари биолабораториялардан "Олтин кўз", 165 та фермер хўжалиги "трихограмма" олмаган ва 126 та фермер хўжаликларида далага "фераمон тутқич"лар қўйилмаган.

Фарғона вилояти Риштон туманидаги С.Ражабов номли муқобил МТП ҳудудидаги "Жўрабек Охун" фермер хўжалигининг 8 гектар, М.Топволдиев номли муқобил МТП ҳудудидаги "Зохидо Истиқлоли" фермер хўжалигида 16,2 гектар, "Нигора" фермер хўжалигида 7,6 гектар ғўза майдонлари ўргимчаккана билан зарарланган бўлса-да, ҳашаротга қарши курашиш чоралари кўрилмаган.

Наманган вилоятида биомаҳсулот ишлаб чиқариш ва далага қўйиш ишлари талаб даражасида эмаслиги натижасида вилоят бўйича 13,5 минг гектар майдонга кўсак қурти тухуми, 16,7 минг гектар майдонга ўргимчаккана зараркунандалари тарқалган. Хусусан, Мингбулоқ туманида 2262 гектар майдонга кўсак қурти тухуми, 570 гектар майдонга ўргимчаккана, Поп туманида 1220 гектар майдонга кўсак қурти тухуми, 1078 гектар майдонга ўргимчаккана, Тўрақўрғон туманида 2081 гектар майдонга кўсак қурти тухуми, 282 гектар майдонга ўргимчаккана ҳашаротлари тарқалган.

Қашқадарё вилоятидаги хўжаликларнинг ғўза майдонларида 3,9 минг гектарда кўсак қурти, шундан 2,8 минг гектар майдонга тухуми, 1,1 минг гектар майдонга қурти тарқалган бўлса, 4,5 минг гектар майдон ўргимчаккана зараркунандалари билан зарарланган.

Айрим хўжаликларнинг мансабдор шахслари томонидан хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан эътиборсизликка йўл қўйилаётганлиги оқибатида ғўза майдонлари турли зараркунандалар билан зарарланиб, кутилаётган ҳосил хавф остида қолаётганлиги ва биомаҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб келинган озуқа маҳсулотлари ва кимёвий воситалар талон-торож қилинаётганлиги аниқланди.

Хусусан, Хоразм вилояти Гурлан туман ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ва мавжуд биолабораториялар фаолияти тўғри ташкил этилмаганлиги, пахта далаларига ўрнатилиши лозим бўлган "феромон тутқич" ва махсус суюқлик билан тўлдирилган "баклашкалар" заруриятга қараб таъминланмаганлиги натижасида тумандаги "Вазир", "Қорақалпоғистон", "Намуна", Алишер Навоий номли ва бошқа пахтачилик хўжаликларига қарашли 980 гектар пахта майдонидаги ғўза ниҳолларини трипс зараркунандаси босган, шундан 20 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари кучли зарарланган, оқибатда режалаштирилган ҳосилни олиш хавф остида қолдирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи "Хўжайли май" АЖдан биомаҳсулот тайёрлаш учун олиб келинган жами 16 тонна кунжаранинг 4 тоннасини ўз манфаатини кўзлаб нақд пулга сотиб, ўзига ишониб топширилган мулкларни талон-торож қилган.

Бундан ташқари, ғўза ниҳолларига ишлов бериш учун ажратиладиган баҳоси 109060 сўмлик 4 кг "Талстар" ва баҳоси 48139 сўмлик "Нурел-Д" кимёвий дориларини номаълум шахсларга нақд пулга сотиб, ўзлаштирган.

Шунингдек, Қонликўл туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи К.Нугманов томонидан шу отряд ҳисобига давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар ҳисобига олиб келинган 56311 сўмлик 800 кг кунжара, 2 л. 61074 сўмлик "Талстар" химикат дориси, 124 дона 15050 сўмлик "ферамон тутқич" ва бошқа химикатларни жами 417374 сўмлик товар моддий бойликларни талон-торож қилганлиги аниқланган.

Фарғона вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг хўжалик ишлари бўйича мудири М.Ибрагимов бюджет маблағлари ҳисобидан келтирилган жами 3 миллион 454 минг сўмлик икки турдаги ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини номаълум шахсларга сотиб юборган.

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги биолабораторияда 2005 йилги пахта ҳосилини зараркунандалардан сақлаш учун биомаҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинган жами 603995 сўмлик маҳсулотлар талон-торож қилинган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ғўза зараркунандаларига қарши ўз вақтида кураш олиб борилса, ҳар бир гектардан 3-4 центнер ҳосил сақлаб қолинади.

Бугунги кунда кўсак қуртига қарши 7025,4 минг гектар майдонга биомаҳсулотлар қўйилди. 1,3 минг гектар ғўза экилган далага кимёвий ишлов берилди. Ҳозир кўсак қуртининг тарқалишини назорат қилиш кучайтирилди, қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Август ойида зараркунанданинг учинчи авлоди ривожланади, агар шу кунларда озгина эътиборсизликка йўл қўйилса, етиштирилган ҳосилга жиддий зиён етказилиши мумкин.

Республикамизда ғўза зараркунандаларига қарши кураш олиб бориш учун етарли миқдорда биологик ва кимёвий воситалар мавжуд.

Фақат шу соҳада ишлаётган ҳар бир инсон ҳосил тақдири учун масъулликни ҳис қилиши даркор.

Қилинган барча саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш халқимизнинг тинч ва фаровон яшаши учун бу йилги пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилгандир.

**Эргаш МЕНҒЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**
**Қаландар БОБОБЕКОВ,**
**Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директори ўринбосари.**

# Иш кўзини билганлар

(Боши 1-бетда)

Россия Федерациясининг "Стройснаб" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритиш эвазига барпо бўлган корхона маҳсулотлари харидоргир. Ипак хом ашёси ва сочиқлар хорижга экспорт қилинмоқда.

–Тадбиркорлик ривожланаётгани, одамларнинг дунёқараши ўзгариб бораётгани қишлоқларимиз қиёфасида ҳам ўз аксини топмоқда, - дейди Пешку туманидаги Пешку қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Мавлон Шодиев. – Мана, ҳудудимизни олиб кўринг. Бу ердаги аҳолининг топиш-тутиши дуруст. Бизда бекор кишининг ўзи йўқ. Пахта тозалаш корхонаси ва қабул пункти шарофати билан ўнлаб фуқароларимиз иш билан таъминланган. Шу корхонада ишлаётган қишлоқдошларимиз ойига ўртача 70 минг сўмдан маош олишаяпти.

Йиғин ҳудудида 79 та фермер, 12 та ҳунарманд, 21 та тегирмон, 2 та чорроқ ғишт заводи ишлаб турибди...

...Мавжуда Ражабовани Шофирконда яхши билишади. У киши 30 йил мактабда ишлади. Ёшларга сабоқ берди. Нафақага чиқди. Аммо уйда ўтира олмади. Банкдан кредит олиб, фирма очди... "Шаҳзод Наргиза ўғли" савдо-ишлаб чиқариш фирмасида меҳнат қилиш иштиёқида юрганлар ҳозир оз эмас. Зардўзи либослар, сўзаналар, каштадўзлик маҳсулотлари шу фирмада ишловчи қирққа яқин хотин-қизнинг қўлидан чиқиб буюртмачиларга етмоқда.

–Қизларнинг айримлари бу ерга келишганида тикиш-бичишдан буткул бехабар эдилар, - дейди зардўз С.Ўроқова. – Аммо Мавжуда опа улар ҳолатини яхши тушуниб, шундай қизлар учун ўқув курслари ташкил этдилар.

Бир йил муқаддам фирма маҳсулотлари тури яна биттага кўпайди. Бу ерда марғилонча атлас тўқиш технологияси ҳам ўзлаштирилди.

Бугун Бухоронинг қайси қишлоғига борманг Қўша Каттаев, Мавжуда Ражабовага ўхшаган тиниб-тинчимас, иш кўзини биладиган, эл-юрт ташвишида елиб-югурадиган кишиларни учратасиз. Улар ҳаловатдан воз кечиб тадбиркорликка қўл уришди. Буюрсин, мана ҳузурини ҳам кўришаяпти. Бу ҳам истиқлол яратган имконият эмасми?

Ана шундай тадбиркорларни кўрганда бир ибратомуз гап ёдга тушади. Қишлоқнинг обрўли оқсоқоли ҳузурига бир бечораҳол одам келиб, "Эртадан кечгача ишлайман. Аммо негадир бирим ҳеч икки бўлмаяпти", дея маслаҳат сўрабди. Шунда оқсоқол "Ишлашни чумоли ҳам билади. Сен ишнинг кўзини бил" деган экан. Ҳа, ишлаганга, тўғрироғи, ишнинг кўзини билганга нима етсин?!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ғараз бор жойда...

(Боши 1-бетда)

Юртдошларимиз Қирғизистондан БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасининг тузилмалари томонидан олиб чиқиб кетилган бўлса-да, аслида бунинг ташаббускори ва ташкилотчиси АҚШ бўлди. "Бостон глоб" газетасининг ёзишича, ўтган ҳафта пайшанба ва жума кунлари АҚШ давлат котиби Кондализа Райс Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев билан телефонда жуда кўп марта гаплашган ва уни Ўзбекистон "тазйиқидан" қўрқмасликка даъват этган. Аксинча, унга АҚШнинг ўзи қаттиқ тазйиқ ўтказган. Давлат котиби ўз мақсадига эришганидан кейин эса Қирғизистон раҳбарига телефонда чуқур миннатдорчилик билдирган.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, 439 нафар Ўзбекистон фуқароси (битта фуқаро Бишкек аэропортида хорижга кетмайман, деб оёқ тираб туриб олган, уни самолётга чиқариша олмаган) вақтинча Руминияга олиб чиқиб кетилган. Сиёсий авантюристлар кейинчалик уларни бир неча гуруҳларга бўлиб, АҚШ, Канада, Австралия, Дания, Нидерландия ва бошқа давлатларга жойлаштиришни мақсад қилиб қўйишган. Андижоннинг гўзал табиати ва мўътадил иқлимида яшаган ўзбекнинг энди совуқ Канада ёки узоқ Австралияда яшашини тасаввур этиб кўринг-а? Бунинг устига Ватан, миллат, дўст-ёр, қариндош-уруғ ва миллий қадриятлар соғинчини айтинг.

Сиёсий қочқинлар ёрлиғи билан Қирғизистондан олиб чиқиб кетилган андижонликларга келсак, аввало, ўз хатти-ҳаракатлари билан шу ишга бош-қош бўлганларнинг ўзлари инсон ҳуқуқларини бузишди! Чунки, бундай жиддий ва нозик масала аламзадалик билан телефонда ҳал қилинмайди, аксинча, ҳар бир инсоннинг ўз розилиги билан халқаро қоидалар асосида кўриб чиқилади. Уларни бир нарса - Қирғизистонга ўтиб кетганларнинг ўз ихтиёрлари билан Андижонга қайтаётганликлари қўрқитиб ҳамда ҳуркитиб юборди. Андижондаги фитна барбод бўлди. Шунинг учун тулкисифатлар ўз думларининг гувоҳликка ўтишларидан чўчиб, изини йўқотиш ва тугунни чигаллаштириш мақсадида бунга БМТни жалб қилиш ва "инсонпарварлик эвакуацияси" мақомини бериш ғоясини ўйлаб топишди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# Мустақиллик иншоотлари



Қўнғирот туманида қад ростлаётган йирик иншоот - Қўнғирот сода заводида охирги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Йилига 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур завод "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компания буюртмаси асосида барпо этиляпти. Унинг қурилишида Хитойнинг "CITIC" компанияси мутахассислари ва "Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш" ва "Оролсувқурилиш" акционерлик жамиятлари жамоаси қатнашяпти.

Ушбу йирик иншоотни жорий йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Суратда: хитойлик муҳандис Чжан Бивэй.

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# Яна бир дадил қадам

***Маълумки, ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида ўлим жазосини бекор қилиш, уни жиноий жазолар қаторидан батамом чиқариб ташлаш борасида кўплаб баҳс-мунозаралар давом этмоқда.***

Ўлим жазосининг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги муаммоси инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсдаги ҳимояси билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар қаторига "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"га иккинчи факультатив Баённомани (1989 йил) Европа Иттифоқи томонидан 1983 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси"даги олтинчи Баённомани киритишимиз мумкин. Булардан ташқари сўнгги пайтларда БМТ томонидан ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни қўлламаслик тўғрисида қатор халқаро меъёрлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда дунёдаги 83 мамлакатда, жумладан, АҚШнинг 38 штатида, Хитой, Жанубий Корея, Покистон, Индонезия, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Белорусь республикалари, Африка ҳамда барча араб давлатлари жиноят қонунчилигида ўлим жазоси жиноий жазо тариқасида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ҳам жиноят қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлган юқоридаги давлатлар қаторига кирган бўлса-да, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси сифатида Жиноят, Жиноят процессуал қонун ҳужжатлари ва жиноий жазо тизимини изчиллик билан, босқичма-босқич либераллаштириб боришни қатъий йўналиш қилиб белгилаган.

Сўнгги йилларда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Судлар тўғрисидаги, Прокуратура тўғрисидаги қонунларга ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Бундай ёндошув кўпгина демократик, ривожланган давлатлар амалиётига тўла уйғундир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бу туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазоси қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимининг, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб**

Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ модда мавжуд эди. Ўзбекистон Республикаси 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони - 13, 1998 йилда - 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди.

Ҳозирги вақтгача, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят-жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилар эди.

Бундан ташқари ушбу қонун билан аёлларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Бу эса инсонпарварлик принципига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Пленум қарорининг 28-бандида: "Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятига нисбатан ўлим жазосини қўллашга йўл қўяди, аммо албатта, шу жазо қўлланилишини талаб этмайди", деб кўрсатилган. Пленум қарори талабидан шу нарса англашиладики, ўлим жазосини қўллаш ҳеч қачон мутлақ маънода тушунилмаслиги лозим. Аксинча, судлар ушбу жазони фақатгина унинг тайинлаши зарурлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар ва шу билан бирга айбдорни жамият учун мутлақо хавфли бўлган шахс сифатида тавсифловчи маълумотлар тақозо этган тақдирдагина қўлланилиши мумкин.

Статистика маълумотларига қараганда, Жиноят Кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ўлим жазоси 2004 йилда умумий судланганларнинг 1,8 фоизига нисбатан тайинланган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўлим жазоси жиноий жазо тариқасида кўпгина давлатларнинг жиноят қонунчилигида мавжуд. Унинг мавжудлиги биринчи навбатда, бир неча шахсларни ҳаётидан жудо қилган жиноятчига нисбатан тайинланадиган энг адолатли жазо деб ҳисобланган бўлса, иккинчидан, ўлим жазоси шундай жиноятни содир қилмоқчи бўлган бошқа шахсларни жиноят содир этишининг олдини олувчи ёки уларни қўрқитиш воситаси деб ҳисобланган эди. Бироқ, ўлим жазосининг жамиятдаги криминоген вазиятга самарали ва ижобий таъсир кўрсата олиши ёки кўрсатганлигини тасдиқловчи бирор бир маълумот мавжуд эмас. Бундан ташқари, шахсга нисбатан ўлим жазоси тайинлаш тўғрисидаги ҳукм хатолик билан чиқарилган бўлса, унинг даҳшатли оқибатини тасаввур этиш қийин эмас.

2005 йил 2 август куни "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Унда таъкидланганидек, айни вақтда мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислоҳотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришни, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруриятининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш лозимдир. Жиноят, Жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартириш ва қўшимчаларни ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазосининг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил этиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиққан ҳолда амалга ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

**Норкувват ЯНГИБОЕВ,**
**Республика Олий суди судьяси.**

МУКА 1 сорт 196,0 ▼ - 0,6 | МУКА 2 сорт 180,1 ▲ + 0,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1238,7 ▲ + 398,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I 1561 840,0 ▼- 0,5 | КАРБАМИД 152,6 ▲ + 7,2

# Парваришни сусайтирмаган деҳқон ютади

**(Боши 1-бетда)**

Бу ҳақиқий деҳқоннинг гапи ҳам, иши ҳам эмас. Ғўзага тўхтовсиз ишлов берилган тақдирдагина кўсаклар тўлади. Ҳосил тугунчалари кўсакка айланади. Бугун яратилган кўсак 50 кундан кейин пахта беради. Ҳисоблаб кўрсак, бу кунлар сентябр ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади. Биз ушбу ойда камида икки марта сув билан шарбат оқизамиз, икки бор қатор орасига ишлов берамиз, майда ўтгача оламиз. Чунки эртага юқори ҳосил олишимиз шу каби тадбирлар сифати билан боғлиқ-да. Мурожаатнома бизни августда ҳам парваришни бўшаштирмасликка даъват этди.

Май ойининг ўрталарида тоғ олди ҳудудларидаги туманларда бир неча бор сел, дўл ва жала ёғди. Оқибатда баъзи далалардаги ғўзалар қуруқ чўпга айланди-қолди. Ана шундай далаларнинг бири Жалақудуқ туманидаги "Бештол" ширкат хўжалиги оилавий пудратчиси Ҳамидулло Қурбоновга тегишли. Унинг оиласида ўн киши 16 гектар ердаги ғўза парвариши билан банд. Экин ҳосил олишга келганида ишловчилар парваришга янада жиддийроқ эътибор қаратишмоқда. "Шарбат" оқизилаётганлиги ҳисобига ғўза жадал ҳосил тўплаяпти.

– Ҳар йили ҳосилимиз 40 центнердан кам бўлмайди, - дейди Ҳамидулло. – Ишлов билан йиғим-теримга тайёргарлик бир-бирига боғланиб кетгандагина ҳосилимиз тош босади. Шуни ўйлаб 10 сентябрга қадар ишловни давом эттираверамиз. Ана шундагина юкимизга яраша ҳосилни яратиб оламиз.

Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг август ойида ғўза парваришини ташкил этиш билан боғлиқ маслаҳат-йиғинида таъкидланганидек, бугун ҳеч бир деҳқон, мутахассис ёки хўжалик раҳбари хотиржамликка берилмаслиги керак. Ташкилотчилик ва уюшқоқлик орқали ғўза парвариши давомийлигини таъминлаш ҳисобига 310 минг тонналик юксак хирмонни яратиш азму қароримиз, дейишди йиғилиш иштирокчилари. Шу мақсадда тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Тиббий марказга ўнта "Дамас"

***Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилоят филиалига Президент совғаси – 10 та янги "Дамас" автомобили топширилди.***

«Сиҳат-саломатлик йили» ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан туҳфа этилган автомобилларни топшириш маросимида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди. Унда таъкидландики, Мустақиллик йилларида воҳада тиббиётни ривожлантириш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Йил охиригача кардиология ва урология марказлари ишга туширилиши, бу мақсад учун 1,5 мллиард сўм ажратилгани айтилди.

Маросимда сўзга чмққан шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали директори Мейлиқул Ҳусанов, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Раҳмонов ва бошқалар кўрсатилган катта ёрдам учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

**Ф.БОЗОРОВ**

## Ҳамкорлик

***"Бухороэнергомарказ" акционерлик жамияти Германиянинг "SIEMENS" компанияси билан фойдали алоқа ўрнатиш ниятида.***

Бу ҳамкорлик иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан самарали фойдаланиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизими қувурларида иссиқлик энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилишида ўз ифодасини топади.

**ХАБАРЛАР**

## Сифати юқори бўлади

***"Ғиждувон пахта тозалаш заводи" ҳиссадорлик жамияти қошида уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослашган замонавий корхона барпо этиляпти.***

Хориж технологияси асосида ишлайдиган мазкур корхона уруғлик чигитни тозалаш, саралаш нуқтаи назаридан турдош корхоналарга нисбатан иш сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради.

**И.ИБРОҲИМОВ**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида рўйхатдан ўтган "HB-DEVELOPMENT" хусусий корхонаси (ОКПО – 18819516, ОКОНХ-19770, ИНН - 204277399) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 56-65-92.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани савдо департаменти томонидан 2003 йил 29 январда "SHUKUR XO'JA" ошхонасига берилган рўйхат рақами 289/05 ХШ 002511 серияли ва 2004 йил 9 июнда берилган 199/05 рўйхат рақамли АА 003085 серияли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Бек-Савдо" хусусий фирмаси ҳуқуқий мақоми ўзгартирилиб, "Бек-Савдо" МЧЖга айлантирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 10424-21.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 12-мактаб томонидан 1985 йили Абдурасулов Жумабек Бегасимович номига берилган Г № 836715 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур ИИБ томонидан хусусий тадбиркор "Вахобов Улуғбек Эркинович"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный диплом № 389898, выданный в 1993 г. Ташкентским электромеханическом техникумом на имя Липко Алексей Петрович, считать недействительным.

ООО "Грин" намерено приобрести 25 % – 8370 шт. акции ОАО "Шахрисабз-консерва" Адрес: Кашкадрьинская обл. г.Шахрисабз, ул.Нугаева, 1.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 287-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Умирова Мамлакат Махмуджоновна номига берилган U № 1551800 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан 2004 йили "SHERSHAX-XIZMAT" уй-жой мулкдорлари ширкатига берилган № 04-0000378 (ИНН: № 203615659) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси ветеринария фаолиятини лицензияловчи органнинг 2004 йил 29 июндаги 7-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Акмад Икромов тумани Сегизбоев кўчаси, 29-ª уйда жойлашган "FAZBEK" хусусий фирмасига 2004 йил 30 июнда расмийлаштирилиб берилган, серияси Y, бланка рақами № 0252, реестр рўйхат рақами 238 бўлган лицензия ветеринария фаолиятини лицензияловчи органнинг 2005 йил 29 июлдаги 22-сонли қарорига асосан бекор қилинади.




## Бахтли тасодиф

***Air France авиакомпаниясининг Канададаги Пирсон аэропортида ҳалокатга учраган А-340 йўловчи самолётининг "қора қути"си топилган.***



Чақмоқ уриши натижасида юзага келган носозликда аэропортга қўниш чоғида авиалайнер иккига бўлиб кетган ва кучли ёнғин чиққан. Унинг бортида бўлган 297 йўловчи ва 12 экипаж аъзоларига зиён етмаган. Воқеа гувоҳи бўлганлар айтишига қараганда, бундай ҳалокатда бу каби бахтли тасодиф ҳайратланарлидир.

Айни дамда самолёт "қора қути"сидаги ахборотлар ўрганилмоқда.

## Мавританияда туб бурилиш

***Мавританияда ҳарбий тўнтарилиш содир этилди. Хабарларга кўра, мамлакат президенти Сиди Аҳмад Тайя Саудия Арабистони қироли Фадхнинг дафн маросимида иштирок этиш учун Мавританияни тарк этган вақтда давлат тўнтарилиши амалга оширилган.***



Президент бу воқеалардан сўнг Мавританияга қайтиб келишни маъқул кўрмаган. Ҳозирда ҳукумат бошқарувини Адолат ва демократия ҳарбий кенгаши бошлиғи полковник Али Улд Муҳаммад Вал қўлга олган.

## Товон пули кўнгилдагидек эмас

***7 июлда рўй берган Лондон терактлари қурбонлари яқинларига ҳукумат 11 минг фунт стерлинг миқдорида товон пули тайинлади.***



Бироқ бу ҳамдардлик тўловлари қўпорувчилик жабрдийдалари яқинларини қониқтирмаяпти. Independent газетаси ёзишича, улар бундай товон пули миқдорини 100 бараваргача оширишни талаб этишмоқда. Терактлардан азият чекканлар 2001 йил 11 сентябр Нью-Йорк воқеаларининг ҳар бир қурбони оиласига 2 миллион доллар миқдорида пул тўланганлигини ҳукуматга бот-бот эслатишмоқда.

## Танқиди умрига зомин бўлди

***Ироқда америкалик журналист Стивен Винсент номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилди.***



Унинг таржимони Нурия Итаис оғир яраланган. Ироқ полициясининг тахминига кўра, Стивенни шиа радикал гуруҳлари ўлдирган бўлиши мумкин. Бундан беш кун аввал бу журналистнинг Нью-Йорк таймс газетасида шиалар фундаментализмини қаттиқ танқид остига олган мақоласи чоп этилганди. Бу мақола Ироқ шиа мазҳаби вакиллари орасида норозиликларга сабаб бўлган эди.

## "Узр сўраши лозим"

***Расмий Москва Польшада россиялик фуқароларнинг таҳқирланиши юзасидан Варшаванинг узр сўрашини талаб қилмоқда.***




Бундан бир неча кун аввал Варшавада Россия элчихонаси ходимларининг уч нафар фарзандлари бир гуруҳ маҳаллий фуқаролар томонидан қаттиқ калтакланиб, уларга жиддий жароҳат етказилганди.

Воқеалардан сўнг Польша президенти маҳкамаси бошлиғи Валдемар Дубоновский "Бу каби ҳодисалар ҳамма жойда содир бўлиши мумкин. Бунинг учун Россиядан узр сўрашнинг ҳожати йўқ", деган эди.

## Клон ит яратилди

***Жанубий кореялик олимлар илк бор итни клонлаштиришди.***



Сеул университети профессори Ву-Сук Хванг ва унинг тадқиқотчи гуруҳи пневмониядан ҳалок бўлган итнинг тери тўқималари орқали жониворни қайта тирилтиришга муваффақ бўлишди. Тажрибага шу йилнинг 24 апрелида қўл урилган. Олимлар таъкидлашича, бундай тадқиқотлар саратон ва қандли диабет касаллигига қарши курашиш ҳамда уларнинг давосини топиш йўлида олиб борилган.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

В соответствии с постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан от 18 апреля 2005 года № 1127-1 инвестор НКЭИС "Узбекинвест" раскрывает информацию о намерении приобретения пакета акций.

**ИНВЕСТОР:** Национальная компания экспортно-импортного страхования "Узбекинвест".

**ЭМИТЕНТ:** ОАО "Узкоммунмаштаъминот", имеющее юридический адрес: г.Ташкент, ул.Ниёзбек Йўли, 1.

**ТИП ПРИОБРЕТАЕМЫХ АКЦИЙ:** простая, именная, безналичная.

**КОЛИЧЕСТВО**: 25052 штук.

**Объем приобретаемых акций:** 20 %.

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чикарилган енгил ва юк автомобиллари хамда қишлоқ хўжалик (ғалласўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади





Пул ўтказиш йули билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 1037234, 1263654

АЗ

*Ширкат ва фермер хўжаликлари, МТП раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига!*

**ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТИ СОТИЛАДИ**

"Ўзгаришагротаъминот" ОАЖ ўз корхонасида ишлаб чиқарилаётган беда пичани, буғдой сомонини боғлашда ишлатиладиган махсус полипропилен ип-шпагатини нақд пул ёки банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотмоқда. Пресс-подборщикни ишлатишда қўлланиладиган бундай полипропилен шпагатлардан фойдаланиш чорва озуқасини тез ва сифатли йиғиштириб олиш имконини бериб, даромадингизга даромад қўшади.

**Манзил: Тошкент шаҳар, Камол Шарипов кўчаси 5-уй. Тел. 79-85-01, 79-85-02.**

# 1.Сообщение о существенных фактах

Наступление даты закрытия реестра.
Порядковый номер сообщения - 07.

Дата принятия Наблюдательным советом ОАО «ELXOLDING», решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – 4 августа 2005г..

Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг ОАО «ELXOLDING» - 3 сентября 2005г..

2.Наблюдательный совет ОАО «ELXOLDING» объявляет о проведении внеочередного общего собрания ОАО «ELXOLDING» 5 сентября 2005г. 10.00 по адресу г. Самарканд, ул. У.Юсупова 2.

Повестка дня внеочередного общего собрания ОАО «ELXOLDING».

1.О перевыборах членов наблюдательного совета ОАО «ELXOLDING».

2. Об утверждении крупных сделок и сделок, в которых имеется заинтересованность.

3.Об использовании нераспределенной прибыли ОАО «ELXOLDING».

### 3.1.Бухгалтерский баланс «ОАО Элхолдинг» за I полугодие 2005г. в тыс. сум.

| № | Наименование показателей | Полугодие 2004г. | |
|---|---|---|---|
| | | Актив | Пассив |
| 1 | Остаточная стоимость основных фондов и нематериальных активов | 551160 | |
| 2 | Долгосрочные инвестиции | 333910 | |
| 3 | Капитальные вложения | 48323 | |
| 4 | Товарно-материальные запасы и расходы будущих периодов | 1873211 | |
| 5 | Дебиторы | 486285 | |
| 6 | Денежные средства | 592459 | |
| 7 | Краткосрочные инвестиции | 94700 | |
| 8 | Уставной капитал | | 1000000 |
| 9 | Резервный и добавленный капитал | | 180745 |
| 10 | Нераспределенная прибыль | | 1110337 |
| 11 | Целевые поступления | | 85953 |
| 12 | Текущие обязательства | | 1603013 |
| | ИТОГО | 3980048 | 3980048 |

### 3.2.Отчет о финансовых результатах «ОАО Элхолдинг» за I полугодие 2005г. в тыс. сум.

| № | Наименование показателей | Полугодие 2005г. |
|---|---|---|
| 1 | Выручка от реализации продукции (работ ,услуг) | 1826211 |
| 2 | Себестоимость реализованной продукции (работ ,услуг) | 1100796 |
| 3 | Валовая прибыль | 725415 |
| 4 | Расходы периода | 484969,1 |
| 5 | Прочие доходы от основной деятельности | 6066 |
| 6 | Прибыль от основной деятельности | 246491,9 |
| 7 | Доходы от финансовой деятельности | 11075 |
| 8 | Расходы по финансовой деятельности | 70708 |
| 9 | Прибыль от общехозяйственной деятельности | 192924,9 |
| 10 | Чистая прибыль отчетного периода | 120477,1 |

## *Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

## "AUKSION-RIELT" корхонаси аукцион савдоларини ўтказади

**2005 йил 6, 13, 20, 27 сентябрь ва 4, 11, 18, 25 октябрь кунлари соат 10.00 да бўладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, "Олмалиқ Шартнома Савдо" МЧЖга тегишли бўлган 4 та бино ва иншоотлар (маъмурий бино, бостирма, омборхона, металл бостирма), бошланғич нархи 8 380 000 сўм.

2. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Қибрай тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Оқ қовоқ" ҚФЙда жойлашган "Кўкалдош" кичик корхонасига тегишли бўлган колбаса ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари, бошланғич нархи 3 091 425 сўм.

3. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган "ETTI BOG'" фермер хўжалигининг Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Қўш-Ёғоч" ҚФЙ, "Янги Ҳаёт" ширкат хўжалигида жойлашган " ETTI BOG' AGRO" чорвачилик шўъба корхонасига тегишли бўлган бино ва иншоотлар, бошланғич нархи 79 824 016 сўм.

4. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси 31 «б»- уйда жойлашган дорихона биноси, бошланғич нархи 3800000 сўм.

**2005 йил 16, 23, 30 август ва 6, 13 сентябрь кунлари соат 10.00 да бўладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилиб, 2005 йил 15, 22, 29, март, 3, 10, 17, 24, 31 май, 21, 28 июнь, 5, 12, 19, 26 июл кунлари аукцион савдоларида сотилмаган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Ҳ.Турсунқулов" ширкат хўжалиги, "Шўралисой" ҚФЙ жойлашган "САЛФАР" фермер хўжалигига тегишли бино ва иншоотлар, бошланғич нархи 60 550 755 сўм.

2. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилиб, 2005 йил 15, 22, 29 март кунлари аукцион савдоларида сотилмаган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, "Янги Ҳаёт" ширкат хўжалигига тегишли бўлган клуб биноси, бошланғич нархи 955 400 сўм.

**Савдога қатнашиш учун харидор объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8"б"-уй.**

**Телефонлар: 133-61-86, 133-65-41.**

*Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000267*

# "Жиззахпахтасаноат"

## ҳудудий акциядорлик бирлашмаси маълумотларнинг тартиб рақами – 09, яъни умумий йиғилиш қарорини маълум қилади.

- умумий йиғилиш тури – навбатдан ташқари
- умумий йиғилиш ўтказиш шакли – очиқ
- умумий йиғилиш ўтказиш санаси – 2005 йил 15 июн
- умумий йиғилиш ўтказиш жойи – Жиззах шаҳри, Зомин кўчаси, 88-уй
- умумий йиғилиш кворуми – 569293 та овоз, 96,96 фоиз
- овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари.

1) Тафтиш комиссиясининг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботи

**Қарор қилинди**: "Жиззахпахтасаноат" ҲАБ тафтиш комиссиясининг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва шартли равишда тасдиқлансин.

Розилар – 569293 овоз; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.

2) Бирлашманинг 2004 йил якуни бўйича аудитор хулосасини ва 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.

**Қарор қилинди:** "Жиззахпахтасаноат" ҲАБ аудитори "Кафолаттаҳлилаудит" АФнинг 2005 йил 5 апрелдаги аудиторлик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин. 2005 йил учун бирлашма аудитори этиб "Кафолаттаҳлилаудит" АФ тасдиқлансин.

Розилар – 569293 овоз; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.

3) 2004 йил якуни бўйича йиллик балансни, молиявий натижалар ҳисоботини, соф фойданинг тақсимотини тасдиқлаш.

**Қарор қилинди**: "Жиззахпахтасаноат" ҲАБнинг 2004 йил якуни бўйича йиллик баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Розилар – 569293 овоз; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.

4) Бирлашманинг 2005 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

**Қарор қилинди**: "Жиззахпахтасаноат" ҲАБнинг 2005 йил учун бизнес-режасидаги, хусусан даромад ва харажатлар сметасидаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш шарти билан тасдиқлансин.

Розилар – 569293 овоз; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.

5) Бирлашманинг ижроия органини тасдиқлаш.

**Қарор қилинди**: "Жиззахпахтасаноат" ҲАБ ижроия органи раҳбари этиб И.Т.Қулматов тасдиқлансин.

Розилар – 569293 овоз; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.

Маълумотларнинг тартиб рақами – 05

- қимматли қоғозлар тури – акция
- эмитент томонидан акция бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор санаси 2005 йил 15 июн, дивидендларни тўлаш муддати – 2 ой давомида
- эмитентнинг акциялар бўйича даромадларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган – бирлашма Кузатув кенгаши
- битта акцияга ҳисобланган, тўланадиган дивиденд миқдори – 62,48 сўм
- қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакли – нақд пул ёки пул ўтказиш.

**Информация о намерении приобретения пакета акции более 15 % от уставного фонда.**

**Инвестор:** Югай Вячеслав Борисович.

**Эмитент и его адрес:** ОАО "OSIYO-FOOD" г.Ташкент, Учтепинский район массив Чиланзар, квартал 26.

**Тип приобретаемых акций:** акция простая и привилегированная именная безналичная.

Количество акций которые намерен приобрести инвестор-10706 штук, что составляет 32,85 % от уставного фонда.

## "Андижондонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

**2005 йил 16 август куни соат 11-00 га "Андижондонмахсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятининг мажлислар залида жамият акциядорларининг қуйидаги кун тартибида навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилади.**

**1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.**

**Жамият манзили:** Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 21-уй.

**Реестрнинг ёзилиш санаси:** 2005 йил 1 август.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузилган сана 2005 йил 1 август.

**"Андижондонмахсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли 51 фоиз акциялар пакетининг эгаси, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси.**

